

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш йўллари

Ирматова Замира Бахтиёровна,
Тошкент давлат иқтисодий университети тадқиқотчиси
E-mail: zamira.irmatova@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада меҳнат ресурслари, уларнинг шаклланиши ва иқтисодий аҳамияти назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзаро фарқланиши асослаб берилган. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ва истиқболда улардан самарали фойдаланиш бўйича иқтисодий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В данной статье теоретически исследованы трудовые ресурсы, их формирование и экономическая роль. А также обоснована разница между трудовыми ресурсами, исходя из их специфических особенностей. Анализировано современное состояние использования трудовых ресурсов в Узбекистане и разработаны экономически обоснованные предложения и рекомендации по их эффективному использованию в перспективе.

Abstract: In this article, labor resources, their formation and economic role are theoretically investigated. And also the difference between labor resources, based on their specific features, is justified. The current state of the use of labor resources in Uzbekistan is analyzed and economically justified proposals and recommendations are developed for their effective use in the future.

Калим сўзлар: меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, бандлик, иқтисодий фаол аҳоли, меҳнат миграцияси, инсон ресурслари.

Кириш

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар бозор муносабатлари шаклланиши мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ривожланиши ва мавқеини тубдан ўзгартирмоқда. Турли хил мулк, ҳажми ва фаолияти турлича бўлган корхоналарнинг мавжуд бўлиши янги иқтисодий, ва ҳуқуқий муносабатлар шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат инсонлар ўртасидаги муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда, уларнинг мулкка, олинаётган натижа ва унинг самарадорлигига бўлган қараши тубдан ўзгариб бормоқда. Бу жараёнлар аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш, энг аввало, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Мустақиллик йилларида тўпланган тажриба ва охириги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий жарёнларни чуқур илмий таҳлил қилиш асосида унинг объектив қонуниятларини тадқиқ қилиш, шулардан келиб чиққан ҳолда аниқ хулосалар чиқариш ҳамда амалий тадбирлар белгилаш мумкин. Ваҳоланки, барқарор ривожланиб боровчи меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш том маънода ўзига хос тамойилларга асосланган меҳнат ресурсларини ҳудудий тақсимлаш, табиат билан жамиятнинг қонун ва қонуниятларини англаш, ушбу

жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, илмий ишланмалар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга қўллашни назарда тутади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармоннинг мақсад-моҳияти ҳам мамлакатимиз меҳнат ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлаш, пировардида аҳоли турмуш тарзини янада яхшилашдан иборат [1].

Мазкур стратегия ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини бешта устувор йўналиш доирасида қамраб олганлиги ва “ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш”га қаратилганлиги билан амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда меҳнат ресурслари самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, бу борада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқаради. Илмий манбаларда меҳнат ресурслари ва уларни оқилона шакллантириш ва самарали фойдаланиш юзасидан турли илмий талқинлар ва қарашлар мавжуд.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Меҳнат ресурслари бугунги мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва тубдан янгилаш шароитида муҳим аҳамият касб этади, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги аҳамиятини микро-, мезо- ва макро- даражаларда яққол намоён бўлади.

Меҳнат ресурсларининг микро даражадаги аҳамияти уларнинг корхона (ташкилот) фаолиятидаги ўрни ҳамда ишлаб чиқаришдаги иштироки билан белгиланади. Маълумки, меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб, уни юзага келтирувчи барча ресурслар бевосита мазкур омил орқали бошқарилади. Ҳудуд ва минтақалар иқтисодиётида меҳнат ресурсларининг роли унинг мезо даражадаги аҳамиятини кўрсатади. Мамлакатнинг қайси ҳудудида меҳнат ресурслари юқори кўрсаткичга эга бўлса, у ерда ишлаб чиқариш, саноат, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва коммуникация ривожланади.

Меҳнат ресурсларининг макро даражадаги аҳамияти унинг мамлакат ялпи иқтисодиётидаги ўрни ва асосий бойлик сифатида эътироф этилиши билан асосланади. Айнан меҳнат орқалигина мамлакатда моддий ва номоддий бойликлар яратилади. Мазкур меҳнатнинг субъекти эса бевосита инсон, яъни меҳнат ресурсларидир. Демак, меҳнат ресурсларининг барча даражадаги аҳамияти уни тадқиқ этишнинг ҳам илмий, ҳам иқтисодий долзарблигини белгилаб беради.

Шу ўринда, меҳнат ресурслари ва уларнинг шаклланиши юзасидан иқтисодчи олимларнинг назарий қарашларини таҳлил қиламиз. Маълумки, юртимизда иқтисодчи олим Қ.Х.Абдурахмонов меҳнат ресурслари, уларнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари, улардан оқилона ва самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатларини кенг асослаб берган. Жумладан, унинг фикрича, меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг ўз руҳий-физиологик ва

ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) қодир меҳнатга лаёқатли қисми ҳисобланади. Улар таркибига фақат иқтисодий фаол аҳолигина эмас, шу билан бирга ҳозирги пайтда ишламаётган ва иш қидираётган меҳнатга лаёқатли шахслар, шу жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётганлар ҳам киритилади [2]. Демак, меҳнат ресурслари иқтисодиётда меҳнат билан банд бўлган, банд бўлмаसा ҳам меҳнат қилишлари мумкин бўлган шахсларни қамраб олади.

Эътироф этиш керакки, меҳнат ресурслари ўз хусусиятларига қараб ўзаро фарқланади. Бунинг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, меҳнат ресурслари маълум ёшдаги инсонлардан иборат. Улар малакаси, ақлий салоҳияти, тажрибаси, билим савияси билан фарқ қилади. Ушбу фарқ уларнинг ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) салоҳиятига таъсир этади;

Иккинчидан, меҳнат ресурслари фақат моддий неъматларни яратишга қолмай, уларни истеъмол ҳам қилади. Истеъмол даражаси унинг меҳнати самарасига боғлиқ. Чунки қанча самарали ишласа, шунча кўп ҳақ олади ва мос равишда кўп истеъмол қилиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Учинчидан, инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Чунки меҳнат ресурсларининг жинси, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи, маълумот даражаси ва бошқа ижтимоий, руҳий-физиологик сифатлари турли бўлганлиги туфайли истеъмол даражаси ҳам турлича бўлади.

Тўртинчидан, меҳнат ресурсларининг яратувчанлик имкониятлари ҳамда эҳтиёжлари чексиз. Шунинг учун улардан самарали фойдаланиш мақсадида турли рағбатларни қўллаган ҳолда фаолият юритиш лозимлигини тақозо қилади. Бу, ўз навбатида, ўта мураккаб жараён. Буни тўлиқ англаш учун ушбу жараёнларни таҳлил қилиш талаб этилади.

Бешинчидан, меҳнат ресурсларининг ўзаро фарқланиши туфайли ҳар бир шахсга индивидуал тарзда ёндашиш лозим. Бунда инсонлар муҳим эҳтиёжларининг рўёбга чиқавермаслигини инобатга олиб, улар меҳнатидан самарали фойдаланиш учун ҳар бирининг шахс сифатидаги талабларини қондиришга ҳаракат қилиш муҳим. Бошқача айтганда, иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши мураккаб хўжалик механизмининг самарали фаолият юритишини таъминлаш учун амалга оширилувчи барча жараёнларда инсон ва иқтисодиёт манфаатларининг уйғунлигига эришишни таъминлаш лозим.

Юқоридаги хусусият ва вазифаларни амалга ошириш учун бутун дунёда иқтисодиётни инсонпарварлаштириш ғояси илгари сурилмоқда. Ушбу ғоянинг моҳияти ва мазмунида инсонга асосий эътибор қаратилади. Зеро, жамиятни ривожлантирувчи ҳам, унинг тараққиётига тўсиқ бўлувчи ҳам инсонлардир. Бу инсонларнинг ўз эҳтиёжларини қондириб бориши учун қилинадиган ишлардир.

Шу ўринда, инсон ўз ҳаётининг эҳтиёжларини қондириш учун табиатга таъсир кўрсатади, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади ва бунинг оқибатида турли шаклдаги моддий, маънавий ва бошқа ноз-неъматларни яратади ва уларни истеъмол қилади. Барча ноз-неъматлар маълум турдаги ва муайян миқдордаги ресурсларни сарфлаш, улардан фойдаланиш эвазига амалга оширилади. Табиий ресурсларсиз ҳеч қачон ҳеч нарса ишлаб чиқариб бўлмайди. Иқтисодиёт назарияси фани ишлаб чиқариш жараёнида

фойдаланилувчи барча зарур ресурсларни ишлаб чиқариш омиллари сифатида кўриб чиқади. Умуман буларга ер, ишчи кучи, капитал, тадбиркорлик фаолияти омиллари киритилади [6]. Шунингдек, замонавий ёндашувларда ахборотлар ҳам ишлаб чиқариш омиллари сифатида кўзда тутилади [4].

Ишлаб чиқариш омилларининг юқорида номи зикр этилган барча турлари орасида меҳнат ресурслари алоҳида ўрин тутди. Меҳнат ресурсларига кенг маънода: меҳнатни ҳосил қилиш, айирбошлаш ва ундан фойдаланишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар, ижтимоий меъёр ва институтлар тизими сифатида қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, Н.А.Волгин, Ю.Г.Одегов ва айрим бошқа иқтисодчи олимлар меҳнат ресурслари соҳасига фақат меҳнатни айирбошлашни (меҳнат олди-сотдисини) эмас, балки, меҳнат салоҳиятини ҳосил қилиш (таълим ва касбий тайёргарлик), шунингдек, меҳнатдан фойдаланиш (ишлаб чиқаришда персонални бошқариш) жабҳаларини киритиш лозимлигини кўрсатмоқдалар [8].

Ваҳоланки, меҳнат ресурсларини бошқаришнинг асосий таркибий қисми сифатида меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларини кўриш мумкин.

"Меҳнат ресурсларининг шаклланиши" тушунчаси анча вақтлардан буён иқтисодий адабиётлар ва статистик амалиётда қарор топган бўлиб, ўзига хос тор касбий атама сифатида қўллаб келинади. "Меҳнат ресурсларини шакллантириш" деганда меҳнат ресурсларининг доимий равишда янгилашиб туриши тушунилади [3].

Меҳнат ресурслари қандай шаклланишини аниқлаш учун биз биринчидан, меҳнат ресурсларини учта йирик ёш гуруҳлари бўйича – меҳнатга лаёқатли кишилар, меҳнатга лаёқатли кишилардан ёшроқ ва меҳнатга лаёқатли ёшдан каттароқ кишиларни, иккинчидан, ҳар бир гуруҳ аҳоли сонига, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни, учинчидан, меҳнат ресурслари ва аҳолининг табиий ва механик ўзгаришдаги умумий ва ўзига хос томонларни кўриб чиқишимиз лозим.

“Меҳнат ресурслари” атамасидан режали иқтисодиёт шароитида марказлашган усулда бошқариш муҳитида кенг фойдаланилган. Ушбу атама инсон ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланишда қулай дастак сифатида қўлланилган. Меҳнат қонунчилигига биноан ҳар бир меҳнатга лаёқатли мамлакат фуқаросининг меҳнат қилиш ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиши қонун йўли билан мустақамланган шароитда узрсиз сабаблар билан узок муддат ишламай юрган шахслар қонуний таъқиб қилинган ва озодликдан маҳрум этиб, жазоланиши мумкин бўлган.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли – меҳнат ресурсларини ташкил этиб, у табиий, моддий ва молиявий ресурслари билан бир қаторда қатъий статистик ҳисоб ва ҳисоботда ифодаланган. Чунки меҳнат ресурслари иқтисодиётни марказлашган усулда бошқариш ва режалаштиришнинг муҳим элементларидан бири эди.

Ривожланган мамлакатлар билан бирга Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллик йилларида Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) тавсия этган аҳолини таснифлаш тизимига ўтилди, унга кўра аҳолини тизимли тақсимлашда мамлакат меҳнат ресурслари икки гуруҳ, яъни иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол қисмларга ажратилди.

Иқтисодий фаол аҳоли асосан маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишда иштирок этади. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли асосан истеъмолчи ҳисобланади. Демак жамият барча аъзоларининг эҳтиёжини қондиришда меҳнат ресурсларининг ҳам фақат фаол қисмигина хизмат қилади. Шу туфайли меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш корхонадан тортиб, то давлат миқёсигача муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат ресурслари мазмунининг ўзгаришини қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг маъмурий-буйруқбозлик даври иқтисодиётидан бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ўтиши муносабати билан мажбурий меҳнатдан эркин танлаш усулига ўтилди.

Иккинчидан, меҳнат ресурси атамасининг мазмуни илгариги талқинда қўлланиши замон талабларига тўғри келмай қолди. Чунки инсонни фақат мажбурлаш йўли билангина меҳнатга жалб қилиш асосида уни иш билан банд қилиш ва уларни меҳнат ресурсларига киритиш мантиқан тўғри йўл эмас.

Учинчидан, меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг бир қисми бўлиб, ўз билим ва интеллектуал савияси, тажрибаси ва ақлий сифатлари билан моддий неъматларни ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган меҳнатга лаёқатли қисминигина ўз ичига олади.

Шундай қилиб, "меҳнат ресурслари" ўз мазмунига кўра, "иқтисодий фаол аҳоли" тушунчасидан кенгрокдир. Иқтисодий фаол аҳолидан ташқари меҳнат ресурслари яна меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўқувчиларни ҳам, шунингдек, ана шу ёшдаги уй бекалари ва мамлакатнинг қолган барча аҳолисини, яъни ишсиз бўлмаса ҳам, маълум сабабларга кўра, мамлакат хўжалигида иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳам ўз ичига олади.


Кўриб турибмизки, "меҳнат ресурслари" ва "иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли" атамалари ўзаро фарқ қилади. "Иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли" тушунчаси "меҳнат ресурслари" тушунчасидан ўз мазмуни бўйича торроқдир. Меҳнат ресурслари тоифасига ишсизлардан ташқари, маълум сабабларга кўра мамлакат хўжалигида иш билан банд бўлмаган мамлакатнинг муайян ёшдаги барча бошқа фуқаролари киритилади.

Ҳозирги пайтда халқаро интеграция жараёнлари жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бундай жараён халқаро миқёсда фойдаланадиган кўрсаткичларни таққослашни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларни бир хил ўлчамга келтириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолатларни ҳисобга олиб, бизда ҳам "иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли" тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Чунки ушбу кўрсаткич дунё миқёсидаги статистик кўрсаткичларга ҳам тўғри келади.


Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган изчил ислохотлар бандлик ва меҳнат бозорининг ривожланишига ҳам туртки бўлмоқда. Таҳлилларга кўра 2017 йилда республика бўйича меҳнат ресурслари сони 18 673 минг кишини ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 6 204 минг кишига ёки 49,8 % ўсган. Меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 14 357 минг кишини ташкил этган (жами меҳнат ресурсларининг 76,9 %) ва бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 5 339 минг кишига ёки 59,2 % ўсган. Шу жумладан, республикада иш билан банд аҳоли сони 2017 йилда 2000 йилга нисбатан 50,5 %га ёки 4 537 минг

кишига ошган ва 13 520 минг кишини ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида иқтисодий фаол ва иш билан банд аҳоли сони кескин ўсган (1 ва 2 – расмлар).




1-расм. Ўзбекистонда бандлик ва меҳнат бозори асосий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси



2-расм. Ўзбекистонда бандлик ва меҳнат бозори асосий кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.


Меҳнат ресурсларининг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича тақсимотиغا кўра, республика бўйича жами меҳнат ресурсларнинг энг юқори улуши Самарқанд (11,1 %) ва Фарғона (10,9 %) вилоятларига тўғри келмоқда. Кейинги ўринларда Қашқадарё (9,6 %), Андижон (9,2 %) вилоятлари ва бошқа вилоятлар эгаллаган. Меҳнат ресурсларининг энг паст улуши Сирдарё (2,5 %) ва Навоий (2,9 %) вилоятларига тўғри келмоқда (3-расм).



3-расм. 2017 йилда меҳнат ресурсларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Таҳлилларга кўра 2017 йилда республикамиздаги иш билан банд аҳолининг асосий қисми ҳали ҳам қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият юритмоқда. Сўнгги йилларда саноат тармоқлари корхоналарининг модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлаш стратегиясининг жадал олиб борилиши саноат тармоқларида иш билан банд аҳоли сонининг сезиларли ошишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, 2017 йилда республикамиздаги жами иш билан банд аҳолининг 13,5 %и саноат тармоғига тўғри келмоқда. Кейинги ўринларни савдо (11,0 %), қурилиш (9,5 %), таълим (8,2 %) ва бошқа соҳалар эгаллаган (4-расм).



4-расм. 2017 йилда иш билан банд аҳолининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, (жами бандлардаги улуши, %)

Манба: <https://stat.uz> – сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Юқорида келтирилган таҳлиллар кўрсатмоқдаки, республикамизда банлик ва меҳнат бозорини ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар кузатилган. Бироқ шу билан бир қаторда ўз ечимини қутаётган асосий камчилик ва муаммолар мавжуд. Жумладан:

- меҳнат бозоридаги беқарор мувозанат ҳолати;
- республикамизнинг айрим минтақаларида ишсизлик даражасининг ошиб кетиши ва ҳудудлараро кескин тафовутлар;
- ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандлик даражасининг ўсиши;
- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришга юзаки ёндашувлар;
- аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ўртасида меҳнат интеграцияси яратилмаганлиги ва ҳоказо.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва иқтисодиётни тубдан янгилаш шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– барқарор ўсиб келаётган меҳнат ресурсларидан янада самарали фойдаланиш учун меҳнат бозорини модернизация қилиш;

– мамлакат меҳнат бозорини бозор принципларига асосланган ҳолда такомиллаштириш, бунда самарали бандлик ҳамда юқори малакали, юқори иш ҳақи билан таъминланган янги иш ўринларини ташкил қилиш сиёсатига ўтишга алоҳида эътибор бериш;

– маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ўртасида меҳнат интеграциясини яратиш;

– корхона ва ташкилотларда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни бозор принциплари асосида такомиллаштириш ва ҳоказо.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат бозори назариясига янгича ёндашувлар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011. –Б.46-52. Iqtisodiyot.uz

3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Меҳнат, 2004.-203-214-б.

4. Аҳмедов Д.Қ. ва бошқалар. Макроиқтисодиёт. -Т.: 2004. –147 б.

5. Владимирова Л.П. Экономика труда. Учебное пособие. – М.: Издательский Дом «Дашков и К», 2000. -стр. 244.

6. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Шарқ, 2006. –36 б.

7. <https://stat.uz/uploads/docs/>

8. Экономика труда (социально-трудовые отношения) // Под ред. Н.А.Волгина, Ю. Г. Одегова. – М.: Экзамен, 2008. С.145-147.